

ИЖТИМОЙ АХЛОҚ, ИЖТИМОЙ ЖАВОБГАРЛИК АХЛОҚИЙ ОНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Кипчоқов Хомиджон Гуломович

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

Тел: +998939278715

E-mail: kipchakovxamidjon@jmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ахлоқий ижтимоий жавобгарлик муаммоси ҳозирги замоннинг ахлоқий муаммоларидан бирига айланганини ҳамда унинг ахамиятини очиб бериш билан бирга иқтисодий ва ижтимоий зарурати кўрсатиб берилган. Ижтимоий жавобгарлик муаммоси ҳозирги вақтда барча инсонлар ва уларнинг меҳнат фаолияти самарадорлиги учун муҳим асос эканлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Эркинлик, жавобгарлик, ижтимоий жавобгарлик, бурч, виждон, адолат, муҳаббат, мажбурият, зарурият ва тасодиф, Ижтимоий жавобгарлик объекти, Ижтимоий жавобгарлик субъект, ирода эркинлиги, айбдорлик.

Сўнги юз йил ичида инсоният атроф-муҳитга кучли таъсир этувчи техника воситаларига эга бўлди. Бу эса ижтимоий жавобгарлик муаммоси ҳозирги замоннинг ахлоқий муаммоларидан бирига айланганини кўрсатади. Аксарият олимлар ҳозирги глобал муаммоларнинг сабаби жамият ҳаётининг иқтисодий-маънавий негизларида деб ҳисоблашади[1.176]. Иқтисодий-маънавий фаолият атроф-муҳитга, об-ҳавога, моддий ва маънавий бойликларнинг сақланишига бевосита ёки билвосита таъсир этади. Нотўғри иқтисодий-сиёсий жараёнлар, хусусан, турли ҳудудларда иқтисодий ривожланишнинг тўғри режалаштирилмаганлиги, айниқса, жойлардаги ҳарбий ҳаракатлар жамиятда очлик ва қашшоқликни юзага келтирди. Буларнинг ортида инсонларнинг, айниқса, мансабдор шахсларнинг ўз вазифасига, зиммаларидаги жавобгарликка бепарволиги турибди.

Шундай қилиб, глобал муаммоларнинг ечими инсонларда ўз ҳаракатларининг натижаси учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиришдадир. Шу билан бирга, глобал муаммоларни йирик ташкилотлар иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Бинобарин, инсонлар олдидаги муаммоларнинг ечимини топишга ҳар бир ташкилот бевосита масъулдир, вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга фақатгина улар қодир.

Қадим замонлардан ҳозирги кунгача ҳар бир шахснинг ўзига хос жавобгарлик концепцияси шаклланиб келган. Унга кўра, ҳар бир инсон ўз фаолияти билан нафақат ўзига, балки давлат ва жамиятга ҳам, атроф-муҳитга ҳам фойда келтириши кераклигини ҳис этиши зарур.

Ижтимоий жавобгарликнинг фалсафий-ахлоқий мазмуни ҳақидаги ғояларни атрофлича таҳлил қилиш масаланинг моҳиятини тушуниш ва бу борада тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун муҳим.

А. М. Скрипник фикрига кўра «Жавобгарлик» — мураккаб ва кўп маъноли ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча. Одатда у қўллаб-қувватлаш, виждон, мажбурият, ишончлилик, жавоб бериш, муҳимлик, жиддийлик маъноларини ҳам билдиради[2.241]. Фалсафий фанларга доир замонавий изоҳли луғатларда жавобгарлик қуйидагича таърифланган: а) хатти-ҳаракатнинг юксак даражадаги талабга мувофиқлиги; б) бутунликни (яхлитликни) сақлаш нуқтаи назаридан муҳимлиги; в) ҳаракатларнинг тўғрилиги нуқтаи назаридан муҳимлиги; г) ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бериш мажбурияти; д) шахснинг ўз хулқига нисбатан юқори даражадаги ижтимоий талаблари; е) шахс нотўғри ҳаракатларининг жамият учун хавфлилиги; ё) шахс хулқининг жамият талабларига мувофиқлиги; ж) шахснинг ижтимоий-ахлоқий назоратга бўйсунуши[3.342].

Европа ва Осиё давлатларида қадимдан «Жавобгарлик» тушунчаси ёндош (садоқат, ватанпарварлик, касбга муҳаббат, в. х.) тушунчалар орқали қўлланиб, ундан маҳаллий аҳоли кенг фойдаланган. «Жавобгарлик» тушунчаси турли даврларда ҳар хил кўринишларда намоён бўлган. Шарқ файласуфларидан Форобийнинг таълимотига кўра, «амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-ҳунар)лар ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу, одатда, икки йўл билан ҳосил қилинади: биринчиси — қаноатбахш, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантирилади. Иккинчи йўл (ёки усул) — мажбур этиш йўли»[4.185]. Бу тушунчани XX асрнинг 20-йилларидан кейин юристлар кўчма (яъни аниқ чегарага эга бўлмаган) маънода ишлата бошлаганлар[5.96]. Шу маънода, «жавобгарлик» тушунчасининг ҳозирги терминологик ифодаси кейинчалик пайдо бўлган, дейиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳозир ҳам фалсафада бу тушунчанинг таърифи хусусида бир тўхтамга келинмаган ва шу боис уни турли ахлоқий-фалсафий оқимларнинг вакиллари турлича талқин этишади.

Жавобгарлик субъектнинг кимгадир масъуллиги ва айна вақтнинг ўзида кимгадир бўйсунуши (кимгадир ҳисоб бериши) ифодасидир, дейиш мумкин. «Жавобгарлик» сўзи кўп ҳолларда юкламоқ, олмоқ, қабул қилмоқ, зиммасига олмоқ феъллари билан бирга ишлатилади, бунда ушбу тушунчаларнинг ҳар бири жавобгарликнинг турли жиҳатларини ифодалайди. Бундан ташқари, «жавобгарлик» тушунчаси «бурч», «ирода эркинлиги», «айбдорлик» тушунчалари билан бирга ишлатилади. «Жавобгарлик» тушунчаси ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларда уйғунлашиб кетади, яъни жавобгарлик ахлоқшуносликда ҳам, ҳуқуқшуносликда ҳам айбдорлик натижасида юзага келади ва инсонларда салбий ҳис-туйғуларни уйғотади.

Ижтимоий жавобгарлик — кенг маънога эга умумий тушунча бўлиб, ўзаро муносабатга киришган шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатлари натижаси учун ҳисобдорлигидир.

Ҳуқуқий жавобгарлик деганда шахснинг бошқа шахс(лар)нинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабаб бўлган ўз хатти-ҳаракатлари учун ҳисоб бериши тушунилади.

Ахлоқий жавобгарлик — инсонлар ўртасидаги доимо ирода эркинлиги билан амалга ошириладиган ҳар қандай муносабатларнинг ахлоқ қоидалари асосида бўлиши ёки бўлмаслиги, ушбу жараёндаги хатти-ҳаракатлар натижаси учун ҳисоб беришдир. Ҳаракат натижасида инсон айбдор ҳам, қаҳрамон ҳам бўлиши мумкин.

Диний-ахлоқий жавобгарлик — илоҳий қонун-қоидаларга амал қилиш ва эътиқодни амалга ошириш жараёнидаги ҳаракатлар натижаси учун худо олдидаги ҳисобдорлик.

Умуман олганда, «ижтимоий жавобгарлик»ни шахснинг ахлоқ талабаларини бажаришини англатувчи ахлоқий категория дея ҳисоблаш мумкин. Жавобгарликни шу нуқтаи назардан кўриб чиқишда қуйидаги саволларга жавоб бериш керак бўлади: 1) жамиятнинг ахлоқий талаблари ҳозирги шароитда қай даражада бажарилиши мумкин; 2) жамиятнинг ахлоқий талабларини одамлар қай даражада тўғри тушунмоқда; 3) инсонлар ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг оқибатлари учун қай тариқа ва қай даражада жавоб бериши керак. Бундай саволларга жавоб бериш «ижтимоий жавобгарлик» тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беришда муҳим роль ўйнайди.

Жамият томонидан қўйилаётган ахлоқий талаблар шахснинг ахлоқий бурчи ҳисобланади. Инсонларнинг реал фаолияти уларнинг бурчига мос келади ёки келмайди. Инсоннинг ўз бурчини қай даражада бажариши унинг жавобгарлик даражасини белгилайди. Ўз бурчини бажармаслик ахлоқий айб ҳисобланади.

Шу жиҳатдан қараганда, ижтимоий жавобгарлик хатти-ҳаракатларнинг бурч ва ахлоқ нормаларига мос бўлишидир. А. В. Прокофьев: «Бирор нарса учун жавобгарлик: инсон маълум бир вазият учун ахлоқий танловим, кейинги ҳаракатларим натижасига боғлиқ, деб ҳисобланганида юзага келади»[6.111], деб ёзади.

А. В. Шестакович ижтимоий жавобгарликни шахс ва жамият ўртасидаги мулоқотдан келтириб чиқаради. Унинг фикрича, «инсоннинг ижтимоий жавобгарлиги унинг ахлоқий фаолияти жамият унга қўйган талабларга мувофиқлигидир»[7.3]. А. П. Скрипник «ижтимоий жавобгарлик — шахснинг ўзига юклатилган вазифага ёки ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларига нисбатан мажбурияти»[2.134], деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай категорияни яхши тушуниш учун унинг турли-туман ва кўп маъноли эканлигига эътибор бериш керак. Ижтимоий жавобгарликнинг ички тузилиши муносабатлар тизими сифатида учта элементдан ташкил топган: 1) жавобгарлик

субъекти; 2) жавобгарлик объекти 3) у жавоб берадиган, ундан ҳисоб талаб қиладиган инстанция.

Ижтимоий жавобгарлик субъекти — ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб берувчи шахс, яъни муайян бир инсон, жамоа, ташкилот, ҳатто бутун инсоният.

Ижтимоий жавобгарлик объекти — субъект оқибатлари учун жавоб берадиган ҳамма нарса ва ҳодисалар, яъни ўзининг ва қўл остидаги шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг натижалари, хавфсизлиги ва ҳ.к.

Инстанция вазифасини эса оила, жамият, давлат ҳамда турли идоралар бажариши мумкин.

Ижтимоий жавобгарлик муносабатларининг ривожланиши бир қанча босқичлардан ўтади.

Биринчи босқичда инсонларга қандайдир инстанция (идора) томонидан амалга ошираётган хати-ҳаракатлари учун жавобгарлик юклатилади. Жавобгарлик ишнинг табиий ҳолатидан келиб чиқади. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам инсонга жавобгарлик юклатилганлиги унинг тушуниб етганини билдирмайди. Чунки инсон бу жараёнларни тушуниб етганида жавобгарликни ўз зиммасига олмаслиги ҳам мумкин эди.

Иккинчи босқич — инсоннинг ўз зиммасидаги жавобгарликни тушуниб етиши. Ижтимоий тараққиёт жараёнида инсон ота-она, бошлиқ, хизматчи кабиларнинг жавобгарлиги ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлиб боради. У жавобгарликни тўлиқ тушуниб етиши учун аксар ҳолларда унга жамият томонидан таъсир кўрсатилиши талаб этилади.

Учинчи босқич — инсоннинг бирор инсон ёки нарса, ҳолат учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши. Бундай жавобгарликни тўлиқ тушуниб етишда когнитив элементлар жуда муҳим. Бу компонентга зиммага жавобгарлик олинганида ўз бурчини тўғри бажараётгани ҳақидаги ишонч туйғуси ҳам қўшилади.

Тўртинчи босқич — инсоннинг жавобгар сифатида ҳаракат қилиши. Бу босқичда инсон билиш ва ишончдан амалий хатти-ҳаракатга ўтади.

Бешинчи босқич — инсоннинг ўз қилмишлари ва уларнинг натижалари учун жавобгарликни ҳис қилиши. Инсон ўз ҳаракатларининг натижалари учун тўғри ва тўлиқ жавоб бера олса, бу унинг вазифасини тўлиқ бажарганлиги бўлади; тўлиқ жавоб бера олмаса, бу унинг айби бўлишини тушуниб етади, ушбу айби учун назорат инстанциялари томонидан унга турли жазо чоралари қўлланилишини англайди.

Шу жиҳатдан жавобгарликнинг муайян турларини ажратиш ҳамда жавобгар субъектнинг кимлигига қараб, унинг ижтимоий жавобгарлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Масалан, олим, ўқитувчи, тадбиркор, юрист, шифокорнинг жавобгарлиги — уларнинг ўз касби талабларидан келиб чиқадиган ижтимоий-ахлоқий масъулиятидир. Ҳуқуқий жавобгарлик эса биров бошқача тарзда намоён бўлади. Ижтимоий жавобгарлик ва ҳуқуқий жавобгарлик бир-биридан анча фарқ қилади.

Ҳуқуқий жавобгарлик инсонларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари чегарасидан чиқиши, яъни бошқалар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг ҳуқуқ ва

эркинликларини бузиши натижасида келиб чиқади. Шахснинг содир этган қилмишига қараб жиноий, маъмурий, фуқароликка оид ва бошқа турдаги жавобгарлик юзага келади. Айбдорлик даражаси суд томонидан аниқланади ва бунинг учун тегишли тартибда жазо белгиланади.

Ижтимоий жавобгарлик эса жамиятда инсонларни тўғри тарбиялаш, уларнинг маънавий қарашларини ривожлантиришга қаратилади. Ўз ижтимоий бурчини бажармаган инсонга хатоси кўрсатилади, танбеҳ берилади, уялтирилади ёки ўзи виждон азобидан қийналади ва ҳоказо.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ижтимоий жавобгарликнинг сабабли ва сабабсиз турларини фарқлаш мумкин[8.92]. Сабабий жавобгарлик – бевосита субъектга боғлиқ бўлиб, «етказилган зиён» тушунчаси асосий ўринни эгаллайди. Масалан, эҳтиётсизлик натижасида бировнинг мулкига зарар етказилганида зарарни қоплаш учун маълум миқдорда маблағ бериш керак бўлади. Носабабий жавобгарлик (масъулият)да эса, масалан, сиз сабабчи бўлмасангиз ҳам қийинчиликка учраган инсонларга ёрдам беришдек инсонийлик бурчи тушунилади.

Демак, ахлоқий жавобгарлик ҳар доим ҳам аниқ сабаб натижасида юзага келавермайди. Айни вақтда сабабли жавобгарлик ҳам доимо ахлоқий жавобгарлик ўлчовларига тўғри келавермайди.

Фақат салбий хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий жавобгарликдан фарқли равишда ижтимоий жавобгарлик ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий ҳаракатлар учун жавобгарлик субъектнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ ва тўғри адо этишидан келиб чиқади ва бу унинг ютуғидир. Салбий ҳаракатлар учун жавобгарлик эса субъектнинг айби бўлиб, албатта, бунга салбий муносабат билдирилади.

Ушбу ҳолатни таҳлил қилган Г. Йонас ижтимоий жавобгарликнинг табиий ва келишилган турларини фарқлайди. Биринчиси — шахснинг мавқеи (мақоми) билан, иккинчиси эса келишув билан боғлиқ бўлиб, унинг мажбурияти ҳисобланади[1.176].

Р. Г. Апресян ҳам ижтимоий жавобгарликни икки турга бўлиб, уларни шартли равишда ички ва ташқи жавобгарлик деб номлашни таклиф қилади. Ички жавобгарлик — корпоратив ишга боғлиқ жавобгарликнинг юкланиши бўлиб, жамоа ҳаракатларининг натижаси учун ҳисоб бериш билан боғлиқ. Ташқи жавобгарлик — шахснинг ўз зиммасига олаётган мажбурияти бўйича жавобгарлигидир[3.106]. Жавобгарликнинг бундай бўлиниши ижтимоий-ахлоқий санкцияларга асосланган. Бундай санкцияларга жамиятнинг норозилиги, виждон азобини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, назаримизда, ижтимоий жавобгарликни ички ва ташқи жавобгарликка бўлиб олишимиз учун ижтимоий-ахлоқий мажбурият келтириб чиқарувчи жараёнларга қараш керак бўлади. Мажбурият гетераном ва автоном ҳолатларда намоён бўлади. Ушбу ҳолатни ўрганган баъзи психологлар назоратнинг характери инсонларнинг психотипига боғлиқ деб ҳисоблашади[9.47].

Чунки инсон характери шаклланаётганида унинг иродаси, виждони, қатъияти ва бошқа шунга ўхшаш турли ҳис-туйғулари ҳам вужудга келади.

Ижтимоий жавобгарликни йўналишига кўра перспектив ва ретроспектив турларга бўлиш мумкин. Перспектив жавобгарлик, А. В. Прокофьев таъкидлаганидек, бирор объект тўғрисида ўз зиммасига олган ижтимоий мажбуриятга мос келади[10.79]. Бунга мисол қилиб объектга қаратилган ҳаракатлар ва уларнинг ижобий натижаларини кўрсатишимиз мумкин. Ретроспектив жавобгарлик субъектнинг ўз зиммасига олган мажбуриятини эҳтиётсизлик натижасида бажармаслигидан келиб чиқади. Демак, перспектив мажбурият — субъект ҳаракатларининг сабаблари билан, ретроспектив мажбурият эса салбий натижалари билан боғлиқ.

Ижтимоий жавобгарлик шахсий ва ассоциатив бўлиши ҳам мумкин. Субъект шахсий жавобгарликда фақат ўз хатти-ҳаракатлари учун, ассоциатив жавобгарликда эса қарамоғидаги, қўл остидагиларнинг хатти-ҳаракатлари учун ҳам жавоб беради. Масалан, ота-оналар — вояга етмаган болаларининг, бошлиқ эса хизматчисининг қилмишлари учун жавобгардир. Қадимги даврларда бир одамнинг қилмиши учун унинг барча қариндош-уруғлари жавоб берган («қонга — қон, жонга — жон» қондаси бўйича улардан қасос олинган).

Ижтимоий жавобгарлик индивидуал ва жамоавий ҳам бўлиши мумкин. Анъанавий ахлоқшунослик аксар ҳолларда индивидуал жавобгарликка асосланади, яъни шахснинг ўз универсал бурчини бажаришига эътибор қаратади. Бироқ кўпчилик инсонлар фан ва техника соҳасидаги ютуқлар асосида фаолият кўрсатадиган ташкилотларда хизмат қилаётган ҳозирги даврда индивидуаллик иккинчи даражага тушиб қолган бўлиб, уларда индивиднинг мақсад ва эҳтиёжлари ташкилотникига мос келмаслиги мумкин. Бу каби вазиятларда айрим ходимларнинг салбий хатти-ҳаракатлари бутун жамоага, ташкилотга қўлланилган санкциялар эса салбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаган инсонларга ҳам салбий таъсир этади. Бунда индивиднинг маълум бир жамоага аъзолигининг ўзи унга нисбатан ана шундай санкциялар қўлланилиши учун кифоя қилади[11.65].

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, жамоавий жавобгарлик — шахсий жавобгарликнинг махсус шакли, чунки бунда ташкилот маълум бир манфаат ва мақсадга эга бўлган шахс сифатида намоён бўлади[12.84]. Тарихга назар ташласак, ижтимоий жавобгарлик ғояси маданият фалсафасида кечроқ шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Жамият ривожланишининг илк босқичларида дунёқараш фатализм билан суғорилган бўлиб, афсона ва эпик матнларда ўз ифодасини топган. Айниқса, юнон афсоналарида айрим ҳолларда нафақат одамлар, балки ҳудодлар ҳам азалдан белгиланган муайян талабларга бўйсунishi шарт бўлган. Масалан, тақдирга ўз отасини ўлдириб, онасига ўйланиш битилган Эдип, ҳар қанча чораларга қарамай, тақдирдан қочиб қутула олмаган.

Субъект ўз ҳаракатларида эркин бўлмас экан, унинг ахлоқий жавобгарлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Софистлар ҳам айб ва айбдорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратишган. Плутархнинг ўз найзаси билан тасодифан бир томошабинни ярадор қилган спортчи ҳақидаги ҳикояларидан бирида ушбу жиноятда ким айбдорлиги (спортчи, мусобақани уюштирганлар ёки найза) ҳақида баҳс юритилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маданият фалсафасидаги жавобгарликка оид дастлабки қарашлар айб тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ифодаланган. Гегель буни жазо қўлланишига доир энг буюк ва муҳим баҳс деб атаган[13.23].

Инсонларнинг айби нимада, улар нима учун жавобгар, деган саволлар файласуфларни инсоннинг ўзи нима, у қандай қилиб етук (комил) бўла олади, деган саволлар устида ўйланишга мажбур қилган. Баҳснинг табиати саволга фалсафий ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда. А. А. Гусейновнинг фикрича, биринчидан, жавобгарлик ҳақидаги баҳс сабабият контекстида олиб борилмоқда; иккинчидан, баҳслашувчилар инсоннинг ҳаракатларини чегаралаб қўйишмоқда; учинчидан, уларнинг эътиборини жамиятдаги ҳукмдорлик ва тобелик муносабати кўпроқ тортмоқда[14.23]. Шу маънода, инсонларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг ютуғи ёки айби ҳисобланиши мумкин. Чунки инсонда бошқача ҳаракат қилиш имкони бор. Масалан, юқорида келтирилган воқеада спортчи кўпроқ машқ қилган ва ўз ҳаракатларига эътиборлироқ бўлганида томошабин ҳалок бўлмас эди. Ёки мусобақа ташкилотчилари томошабинлар учун бошқа жой танлаганларида ҳам бундай оқибат юзага келмас эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ўз ҳаракатларининг оқибати учун ўзи жавобгар бўлишини таъкидлаш лозим. Бу эса инсон ҳаракатининг манбаи унинг шахсий танлови ва йўналишига боғлиқлигини англатади. Гусейновнинг таъкидлашича, инсон ҳаракатларининг сабаби унинг ўзида мужассамлашган. Фақат шунинг учун уни айбдор деб ҳисоблаш мумкин[14.201].

Аксарият файласуфлар ақл-идрокни жамиятдаги тартибнинг эксплицитив (шартли белгиларда) ифодаланишида кўришган. Уларнинг фикрича, одам яхшилик ва ёмонлик ҳақида ўзи билганича қарор қабул қилмаслиги, унинг учун бу ишни жамият ва давлат қилиши керак. Жамият ҳар бир инсоннинг жавобгарлик чегарасини унинг жамоадаги ўрни, ижтимоий ҳолати, вазифасига қараб белгилаб беради[15.3]. Бундан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, вазифани оқилона тақсимлаш, яъни инсонларнинг ўзи яхши бажара оладиган вазифани бажариши кўпчилик учун катта фойда келтириши мумкин. Инсон зиммасидаги абстракт, бажарилиши қийин бўлган бурчни адо этганида кўплаб хатоликларга йўл қўяди ва оқибатда зиммасидаги ижтимоий жавобгарлик ортиб боради. Масалан, А. Смитнинг фикрича, «ақлли одам ўзини вазифаси туфайли зиммасига юклатилган нарсаларгагина жавобгар деб ҳисоблайди. У бировнинг ишларига аралашмайди, сўрамаса ҳеч кимга маслаҳат бермайди, у фақат ўзига ва ўз вазифасига тегишли нарсаларни бажаришга ҳаракат қилади»[16.212].

Бундай инсонлар учун жамоат ишлари бошқаларнинг қўли билан бажарилгани мақул бўлиб, бу вазиятга у жавобгар бўлишдан асрайди.

В. Зомбарт бу жараёни қуйидагича тасвирлайди: «Ишдаги, бинобарин, ишларни юритишдаги, демакки, мижозлар билан шартномалар тузишдаги ахлоқ одатда тижоратдаги мустаҳкамлик, яъни ваъдаларни бажаришдаги ишончлилик, амалда хизмат кўрсатиш, мажбуриятларни бажаришда аниқликни ифодалайди»[17.127]. М. Оссовскаянинг «иқтисодчи одам» тушунчасига берган тавсифида қуйидаги фикрларни учратиш мумкин: Биз билгандек, ҳамма нарсанинг қийматини у нарсаларнинг фойдалилиги билан ўлчайди. У одамларга истеъмолчи ёки ишлаб чиқарувчи сифатида қарайди, ишчи кучига у ёки бу маънода харажатларни тўлай олишга кучи етадиган фойда келтирадиган мижоз деб қарайди[18.326]. Умуман олганда, А. Смит, Ж. Миллем, И. Бентамлар томонидан қўллаб-қувватланган ижтимоий жавобгарликни утилитар тушуниш бурч ҳамда индивидуал тараққиётдан кўра, жамоатчилик фойдаси ва таъсирига таянади.

Утилитаристик қарашларда ижтимоий жавобгарлик тўғрисида икки хил йўналишни кўриш мумкин. Биринчиси — максималлик, у инсондан фаолият жараёнида, келиб чиқадиган оқибатларга қарамасдан, ўз зиммасидаги бурчини бажаришни талаб қилади. Бу ерда шахсий манфаатларни кўзламаган ҳолда юқори даражадаги мотивация муҳим ўринда туради. Иккинчиси — минималлик, у инсонлардан ортиқча куч талаб қилмай, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ҳолатини, бошқаларга ундан келадиган фойдани ҳисобга олади. Бу ердаги хатти-ҳаракатлар натижасининг аҳамияти жамият учун муҳим роль ўйнайди. Ушбу икки йўналишнинг қарама-қаршилигига биринчи бўлиб М. Вебер эътибор берди. У Кант этикасини «этиқод этикаси» деб номлайди, иккинчи қараш — утилитар йўналишдаги этикани эса «жавобгарлик этикаси» деб атайди. М. Вебер ўз асарида шундай деб ёзади: «Биз ўзимиз учун шуни аниқлаб олишимиз керакки, ҳар қандай ахлоқий йўналтирилган ҳаракат икки хил фундаментал бир-бирига қарама-қарши максималликка бўйсунishi, «этиқод этикаси» ёки «жавобгарлик этикаси»га йўналтирилган бўлиши мумкин»[19.696]. Лекин бу «этиқод этикаси» — маъсулиятсизликка, «жавобгарлик этикаси» эса принципсизликка ўхшаб кетмаслиги керак. Бундай ғоялар универсал ва умумийдир.

Ю. Н. Давидов ана шу иккала этикани фаолият мезонларига мос тарзда кўрсатиб берган. Унинг фикрича, этиқод этикаси бу дунёда эмас, нариги дунёда ҳукмрон; жавобгарлик этикасида эса реал дунё — инсон яшаб турган дунёдир. Қолаверса, этиқод этикасининг мақсади — «инсон руҳи»ни пок сақлаш, жавобгарлик этикасининг мақсади эса «инсон аъзосини», бошқача айтганда, яшаш учун имкон яратувчи ҳамма нарсалар (иқтисод, сиёсат, маънавият)нинг имкониятларини сақлашдир. Шунингдек, этиқод этикаси — мажбур қилмасликка, жавобгарлик этикаси эса мажбурлаш, зўрлашга таянади[20.94]. Умуман олганда, ижтимоий жавобгарлик ҳозирги замонда, яъни технологиялар тараққиёти даврида инсонлар учун ягона

ахлоқий ечим ҳисобланади. Ҳозирги замонда «ижтимоий жавобгарлик» тушунчаси, инсонлар фикрича, ўзининг классик маъносига унчалик ҳам тўғри келмайдиган янги тушунчага айланиб бормоқда. Ҳозирги инсонларнинг кенг қамровли орзулари, яхши ҳаёт кечириш ва ҳеч қандай камчиликларсиз яшаш учун ҳаракатларининг оқибатлари теварак атрофга ҳамда инсониятнинг келажагига бевосита таъсир кўрсатади. Ўзгармас деб ҳисобланган табиат ҳам мустаҳкамлик қобиғини йўқота бошлади. Кўпчилик файласуфлар қатори Г.Ионас ҳам табиат йўқолса, инсоният ҳам йўқ бўлишини таъкидлаган.

И. Кантнинг ахлоқий принципидаги «императив» категорияси ҳар бир хатти-ҳаракатни шубҳасиз умумий қонун остига жойлаштириш мумкин бўлган ҳолатда ҳаракатни давом эттиришни талаб қилади. Инсоният ўз келажагини барбод қиладиган бўлса, ахлоқий қараш ва қонун-қоидалар ҳам керак бўлмай қолади. Кант «императив» категориясининг аҳамияти катта бўлмаса, демак, инсониятнинг яшашига, мавжудлигига хавф солмайдиган, ундан ҳам муҳимроқ императив категория бўлиши керак. Кант яшаган даврда масалани бундай қўйиш учун сабаб бўлмаган, чунки бу даврда бутун инсониятни йўқ қилиш имкони йўқ эди. Ҳозир эса ушбу имкониятнинг чегараси йўқлигини барча билиб турибди. Бундай ҳолатда бутун инсоният яшаш учун мажбуриятни ўз зиммасига олиши ва келажак авлодини таъминлашдек ижтимоий жавобгарлик туйғуси билан яшаши лозим.

Инсонларнинг келажакда мавжуд бўлишини таъминловчи ижтимоий жавобгарликнинг асоси — авлодлар олдидаги бурч, ота-оналар масъулиятидир. Ижтимоий жавобгарликнинг муҳим хусусиятини инсоннинг фаровон келажакка бўлган умидигина эмас, балки инсониятнинг фалокатидан (йўқ бўлиб кетишидан) қўрқув ҳам ташкил қилади. Биз ўзимизга қандай ёмонлик қилинишини биламиз ва шу асосда яхшилиқнинг аҳамияти катталигини англашимиз мумкин.

«Ижтимоий жавобгарлик» инсоният учун ўта муҳим тушунча бўлиб, унинг жамият ривожига беқиёс аҳамияти қўйидагилар билан боғлиқ:

биринчидан, XX аср ўрталарига келибгина ижтимоий жавобгарлик муаммоси инсоният учун энг муҳим мавзу сифатида ўрганила бошланди. Бу муаммонинг илмий ва оммавий баҳс мавзуга айланишининг асосий сабаби ҳозирги замонда фан-техника ва иқтисодий-сиёсий қарашларнинг ривожланганлигидир;

иккинчидан, ижтимоий ҳаётга таъсир қилувчи ҳозирги глобал муаммоларнинг илдишларидан бири — иқтисодий таъминот. Бу дунёда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий-ижтимоий муаммолар учун ҳар бир инсон ўз ҳаракатининг натижасига қараб жавоб бериши шарт. Бугунги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечими топилишида йирик ташкилотларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки улар кўплаб инсонлар учун тирикчилик манбаи бўлиб, кўплаб инсонларни қамраб олиш имконига эга. Барча ташкилотлар инсонларга хизмат қилади ва доимо улар олдида жавобгардир;

учинчидан, ижтимоий «жавобгарлик» тушунчаси илмий-фалсафий, ҳуқуқий-ахлоқий маънодаги энг муҳим тушунча бўлиб, унга эътиборсиз бўлиш мумкин эмас.

Умумий маънода, бу шахсий бурчни бажариш, субъектнинг ўз ҳаракатлари натижаси учун инсонлар олдида ҳисоб бериши кераклигидир. «Мен қилишим керак» (бурч) ва «Мен қила оламан» (эркин ирода) тушунчалари ўртасидаги боғловчи тушунча «ижтимоий жавобгарликдир»;

тўртинчидан, ижтимоий жавобгарликнинг тузилиши муносабатлар тизими сифатида намоён бўлади. Унинг характери учта муҳим элемент билан боғлиқ: жавобгарлик субъекти, жавобгарлик объекти ва субъектнинг ҳаракатларини назорат қилувчи инстанцияларнинг таъсир кучи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йонас Г. Принцип ответственности. Опыт этики для технологической цивилизации. — М., 2004.
2. Скрипник А.П. Этика. — М., 2004.
3. Этика. Энциклопедический словарь / Под общ. ред Р. Г. Апресяна, А. А. Гусейнова. — М., 2001.
4. Маҳмудов М. Фозил одамлар шахри. Тўплам. — Т.: Халқ мероси нашрети, 1993. — Б. 185.
5. Хохлов В. А. О гражданско-правовой ответственности // Правоведение. — 1997. — № 1.
6. Прокофьев А.В. Справедливость и ответственность: социально-этические проблемы в философии морали. Тула, 2006.
7. Шестакович А.В. Нравственная ответственность и ее воспитание у детей в семье. — Минск, 1979.
8. Давыдов Ю.Н. Этика убеждения и этика ответственности: Макс Вебер и Лев Толстой // Этическая мысль. — 2006. — № 7.
9. Муздыбаев К. Психология ответственности. — Л., 1983.
10. Прокофьев А.В. Справедливость и ответственность: социально-этические проблемы в философии морали. — Ту-ла, 2006.
11. French P. Collective and corporate responsibility. — NY., 1984.
12. Дубко Е.Л. Политическая этика. — М., 2005.
13. Гегель Г. Лекции по истории философии. В 2-х кн. — СПб., 1994. Кн. 2.
14. Гусейнов А.А. Античная этика. — М., 2003.
15. Нерсисянц В. С. Сократ. — М., 1984.
16. Смит А. Теория нравственных чувств. — М., 1997.
17. Зомбарт В. Буржуа. — М., 2004.
18. Оссовская М. Рыцарь и буржуа. — М., 1987.
19. Вебер М. Избранные произведения. — М., 1990.
20. Давыдов Ю.Н. Этика убеждения и этика ответственности: Макс Вебер и Лев Толстой // Этическая мысль. — 2006. — № 7.